

**БЎЛАЖАК ПСИХОЛОГЛАРДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ахмедов Акмал Юсуфович

Фарғона давлат университети, педагогика кафедраси ўқитувчиси

Эгамбердиев Оятиллоҳ Алишер ўғли

ФарДУ 3-курс талабаси

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Коммуникатив компетентлик, коммуникация, компетентлилик.

Аннотация

Ушбу мақолада бўлажак психологлари тайёрлашда коммуникатив компетентликни шакллантириш муаммолари алоҳида ёритилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Бўлажак психологларда коммуникатив компетентлик сифатини, уларда эркин, фаол, мустақил фикрлай олиш, ўқув-тарбиявий жараённи моделлаштира олиш, шунингдек таълим-тарбиянинг янги ғоя ва технологияларини мустақил яратиш ҳамда уларни татбиқ эта олиш компетенлигини шакллантириш орқали ошириш муаммоси буғунги кунда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий шароитларда долзарб ҳисобланади. Шу ўринда президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшлишимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимининг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”[1,146,] деган фикрлари ишимизнинг мақсадига бевосита мос келади.

Бўлажак психологларни мутахассис сифатидаги коммуникатив компетентлилигини ривожлантириш ўсиб келаётган ёшларни меҳнат фаолиятларида ўз ўрнини топишларига, сифатли таълим олишларига, шахслараро ижтимоий-маданий мулоқотларини шакллантиришга ёрдам бериши керак, бироқ бунда энг муҳими – шахсни талабга тўла жавоб берадиган даражада ривожлантириш ва унинг ўз имкониятларини амалга ошириши учун зарурӣ шароитларни яратиш долзарб муаммодир.

Коммуникатив компетентлилик бўлажак психологлар томонидан танланган коммуникация услубида ва мулоқотдаги ролли ўрнларда ўз ифодасини топиши мумкин, улар етакчилик қилувчи ўзаро таъсир қилиш мақсадлари билан таъминланиб, барқарор экспрессив хусусиятлар,

шу билан бир қаторда, мuloқот вазияти жараёнидаги коммуникатив ҳаракатлар билан тавсифланади. Педагогнинг коммуникатив позицияси унинг мuloқотнинг белгиланган мақсадлариға әришиш йўллари ҳамда сұхбатдоши шахсига нисбатан бўлган муносабати, шунингдек, ўзаро таъсирнинг аниқ мuloқот услуги жараёнида амалга ошиши мумкин бўлган ўзига хос талабларини акс эттириши мумкин.

Коммуникатив компетентлиликнинг моҳияти ва тузилишини синчковлик билан ўрганиш бизга иккита, ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқада бўлган даражаларни ажратиш имконини берди: биринчи даража бевосита мuloқотнинг ўзида коммуникатив компетентлиликнинг намоён бўлишини белгилаб беради, яъни инсоннинг коммуникатив хулқ-авторида; иккинчиси, бўлажак психолог касбий мотивациясининг ўзига хос хусусиятлари ва йўналтирилиши, унинг мuloқотга алоҳида эҳтиёжи орқали педагогик-психологик коммуникатив қадриятларни киритиши керак.

Коммуникатив компетенциянинг замонавий жамиятда, кундалик ҳаётда, касбий фаолиятда ўрни жуда муҳим. Унинг шарофати билан олинган маълумотларни мунтазам тўплаш, таҳлил қилиш ва тартибга солиш амалга оширилмоқда. Бу маълумотларни сифатли узатиш учун мuloқотнинг вербал ва новербал усулларидан фойдаланилади. Бироқ самарали коммуникация, ҳар ҳолда кишиларнинг шахслароро мuloқотда бир-бирларини тушунишга қодирлигини назарда тутиши керак. Шу билан бирга инсоннинг нафақат шахс, шунингдек, фаолиятнинг субъекти сифатида тўлақонли шаклланиши учун коммуникациянинг аҳамияти ҳақида, тадқиқотчи Л.П.Гримак шундай ёзади: “инсоннинг инсон бўлишининг яна бир сабаби шундаки, у ўзига ўхшаганлар билан фаол мuloқотда бўлган..., туғилишининг илк кунларидан бошлаб инсонлар билан доимий мuloқотда бўлиш – шахснинг тўлақонли ривожланишида амалга оширилиши керак бўлган шарт..., мuloқот соматик ва руҳий мувозанатни сақлашга ёрдам беради, учрайдиган тўқнашув ва низоларни юмшатади, стресс ҳолатидан чиқаради, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини, нуфузини оширади”.[2,67]

Бўлажак психологнинг коммуникатив компетентлилигининг шаклланиш жараёни таълим мазмуни орқали амалга оширилиши мумкин ва у қуидагиларни қамраб олади:

- ўқув фанларининг алоҳида рўйхати;
- талабаларнинг ўқув фанларини ўзлаштириш жараёнида шаклланувчи касбий (профессионал) компетенциялари;
- талабанинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги фаол ҳаётий ўрни.

Буларнинг барчаси ўзига хос мажмуани ифодалаб, уларнинг воситасида бўлажак психолог шахси юқори даражада шаклланади ва ривожланадики, бунда ўзининг кейинги ривожланиши ва камолотга етказиш усулларини эгаллашга имкони бўлади ва бу бўлажак психологни “инсон – жамият - олам” тизимида профессионал субъект сифатида янада самарали ишлашини таъминлайди.

Маълумки, бўлажак психологнинг касбий маҳорати унинг муваффақиятли касбий фаолияти воситасида таъминланиши керак. Ушбу фаолият эса ўз ўрнида, маълум қобилияларсиз, шахснинг коммуникатив сифатларисиз бўлмайди, чунки улар ҳам фаолиятнинг ўзига, ҳам қарор қабул қилишдаги ижтимоий ёндашув ва муҳитга боғлиқ. Юқорида кўрсатиб ўтилган коммуникатив қобилиялар эса айнан касбий қобилиялар тизимида мавжуд ва бўлажак психологнинг коммуникатив компетентлилигини шакллантиришда етарли даражада муҳим аҳамиятга эга бўлади, бунда улар ҳатто бўлажак психологнинг касбий фаолияти асоси ҳам бўлиши мумкин. Коммуникатив компетентлиликни шахсга оид мураккаб тавсифнома сифатида ҳам тушуниш мумкин, у коммуникатив компетенцияларни, руҳий-педагогик компетенцияларни, шахснинг бошқа инсонлар билан мuloқотида кўринадиган руҳий ҳолатларини қамраб олади – буларнинг барчаси инсоннинг коммуникатив хулқ-авторида намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, компетентлилик шаклланганлигининг асосий кўрсаткичи фикр-мулоҳазаларни равон, яхлит ва мантиқан изчил баён қилиш маҳорати бўлиб, бунда мулоқот тилининг ифодали ҳамда аниқ мулоқот бўйича шерикларнинг коммуникатив фаоллигининг ҳар қандай турини тушуниш ва мос равищда жавоб қайтариш лаёқатидан фойдаланилади.

Коммуникатив компетентлиликни бўлажак психологнинг касбий фаолиятида алоҳида тутган ўрнини ўрганиш, коммуникатив компетентлилик кишилар ўртасидаги мулоқотда кўп вазифавий шарт-шароит сифатида ҳам кўриниши ва бу орқали тарбиявий, таълимий ҳамда дунёқарашга оид вазифаларни бажариши мумкин, деган хулоса чиқариш имконини беради.

Хулоса сифатида коммуникатив компетентлилик бўлажак психологларда қўйидаги компетенцияларнинг мавжуд бўлишини тақозо қиласди.

Бўлажак психологларда коммуникатив компетентликнинг мавжуд бўлиши, нафақат бирор бир маълумотни етказиш самарадорлиги, бой лугат захираси, нутқ маданияти, тил воситаларининг тўғри танлаганлигини белгилаши мумкинлигини, шу билан бирга турли-туман ижтимоий вазиятларда мулоқотни, шунингдек бошқа инсонлар билан мулоқот жараёнида, ўз шахсий маънавий-ахлоқий ҳолатини тартибга солишини бошқариш маҳоратини таъкидлаш мумкин.

Бўлажак психологларда билиш фаолияти кўп жиҳатдан ўрганилаётган нарсаларнинг мураккаблиги, динамикаси, ностандартлиги, ижтимоий ҳодисаларни ажратиб турадиган чегараларнинг таъсири, уларни излаш, ноаниқлик билан белгиланади, бу эса кузатувчанлик, сухбатдошнинг ички дунёсини моделлаштириш малакасини назарда тутади. Мазкур ҳолда ўз-ўзини тартибга солиш хусусиятлари ўз билим ва малакаларини доимо такомиллаштириш зарурати, бошқа одамларга қаратилган ўз ҳатти-ҳаракатини қатий мувофиқлаштириш ўқуви билан тавсифланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 146 б.
2. Гойхман О.Я., Надеина Т.М. Речевая коммуникация: учебник. - М.: ИНФРА-М, 2001 167 б
3. Зарецкая Е.Н. Риторика: теория и практика речевой коммуникации. - М.: Дело, 2001 й 287 б
4. Гrimak L.P. Общение с собой: Начала психологии активности. — М.: Политиздат, 1991. – С.
5. Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. – Т.: Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, 2015. 13,14,16 б.